Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

2 февраль, пайшанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 24 (1026)

## ДАВОС АНЖУМАНИ ТУГАДИ

***Давос жаҳон иқтисодий анжумани давлат бошлиқларини, савдо-саноат доираларининг раҳбарларини, илм-фаннинг етакчи мутахассисларини бирлаштиради. Бу ерда жаҳон иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг турли жиҳатлари хусусида фикрлашиб олинди.***

Анжуманнинг расмий очилиш маросимида БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий XX асрнинг охирида дунё олдида турган вазифаларни белгилаб берди. Собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги ёш мустақил давлатлар учун бу давр жаҳон ҳамжамиятида, шу жумладан Европа ҳамжамиятида ўз ўрнини белгилаб олиш даври бўлади. Ана шу анжуман доирасида ўтказилган ягона сессия Ўзбекистонга бағишлангани жаҳон бизнеси етакчиларининг мамлакатимизга зўр қизиқиш билан қараётганидан далолат беради. Сессия юксак ишчанлик муҳитида ўтди. Мамлакат Президенти Ислом Каримов жаҳондаги етакчи фирмалар ва компаниялар раҳбарларига ҳозирги кунда Ўзбекистонда хорижий бизнесни ривожлантириш учун қандай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилгани ҳақида сўзлаб берди.

Президентимиз мамлакатимиз бозорини ўзлаштиришни истаган жаҳоннинг етакчи компанияларига кўмаклашишга кафолат бериб, айни пайтда Ўзбекистон ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқли шароит асосида ҳамкорлик қилишга интилаётганини таъкидлади.

— Биз аниқ-равшан лойиҳаларни амалга ошириш учун кредит оляпмиз, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистоннинг ҳеч кимдан қарзи йўқ.

Республикада ишончли ҳуқуқий база яратилган, сиёсий, иқтисодий барқарорлик таъминланган, ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хорижий тадбиркорларнинг фикрича, буларнинг ҳаммаси бизнинг иқтисодиётимизга сармоя сарфлаш учун қулай шароит яратади, шу жиҳати билан Ўзбекистон бошқа ёш мустақил давлатлардан фарқ қилади. Давосда «Ўзбекистон — ислоҳотларнинг янги босқичида» мавзусида ўтказилган сессиянинг муваффақияти жаҳондаги кўпгина ҳукуматлар ва савдо-саноат доиралари раҳбарларини Президент Ислом Каримов билан шахсан учрашишга ундади. Франция, Германия, Швейцариядаги йирик фирма ва банклар намояндалари билан ана шундай суҳбатлар бўлди. Уларнинг баъзилари ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилмоқда. Уларнинг фикрича, бу ҳамкорлик муваффақиятли кечмоқда. Шунинг учун бошқалар ҳам шундай алоқаларни ўрнатишга интилмоқда.



Президент Ислом Каримов ўзига ажратилган қароргоҳда Туркия Бош вазири Т. Чиллерни қабул қилди. Бу учрашув Туркия савдо-саноат доираларида катта таассурот қолдирди.

Марказий Осиёда катта мавқега эга бўлган Ўзбекистонга Европада ҳам қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Швейцариянинг Алтендорф шаҳрида Ўзбекистоннинг йирик Савдо уйи очилгани бунинг ёрқин намунасидир. Шу тариқа, мамлакатимиз банк тузилмаларининг улкан тармоғи мавжуд бўлган, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан бирида ташқи иқтисодий фаолият юритиб Буюк ипак йўлидаги Шарқ билан Ғарбни бирлаштирувчи бўғин сифатида ўзининг тарихий ўрнини тикламоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Савдо уйини очишга бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида бу фикрни таъкидлади. Маросимга Европа, Ғарб, Америка йирик саноат корпорацияларини ва банкларининг вакиллари келишди. Улар Савдо уйида мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларини, Ўзбекистон бадиий ҳунармандчилигининг хилма-хиллигини намойиш қилаётган буюмлар ва маҳсулотлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Савдо уйи амалий учрашувлар, музокаралар жойи, шунингдек Ўзбекистоннинг Швейцариядаги маданият маркази бўлади.

Буларнинг ҳаммаси нуфузли анжуман доирасида делегациямиз жуда самарали ишлаганини кўрсатиб турибди. Жаҳондаги сиёсий ва савдо-саноат доираларининг вакиллари бўлмиш учрашув иштирокчиларининг фикрича, халқаро савдо-иқтисодий муносабатлар тизимида Ўзбекистон ўз ўрнини тобора дадил белгилаб олмоқда.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 февраль куни Давосдан ватанига қайтиб келди.

Давлатимиз бошлиғини Тошкент аэропортида Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов, бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

(ЎзА).

**Суратда: анжуман пайтида.**

**Т. Қурбонов олган сурат (ЎзА).**

## БЕКОБОДДА САЙЁР ЙИҒИЛИШ

***Бекободда қора ва рангли металл тўплаш ва қайта ишлаш ҳукумат комиссиясининг сайёр йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.***

Йиғилишда давлатга металл парчалари топшириш бўйича 1994 йил ҳамда шу йилнинг январь ойи якунлари кўриб чиқилди. Республикамиз тараққиётида муҳим ўрин тутувчи Бекобод металлургия заводини хомашё билан узлуксиз таъминлаш мақсадида вазирликлар, концернлар, корпорациялар, ассоциациялар, бирлашмалар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига топшириқлар берилди.

Йиғилишда, шунингдек, бойитиш фабрикалари учун пўлат шарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани муносабати билан Бекобод металлургия комбинатининг бир гуруҳ ишчи-хизматчилари ҳамда муҳандис-техник ходимларига ҳукумат мукофотлари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Сайёр йиғилишда Республика Бош вазирининг ўринбосари Ю. Пайгин қатнашди.

(ЎзА).

## БОҚИМАНДАЛИК КАЙФИЯТИГА БАРҲАМ БЕРАЙЛИК

***Жиззахда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими А. Тошкенбоев бошқарди.***

Кенгашда тармоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни тезлаштириш вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Ҳозиргача вилоятдаги 128 та давлат хўжалигидан 120 таси ширкатларга, 5 таси жамоа хўжаликларига айлантирилди.

Кенгашда сўзга чиққанлар боқимандалик кайфиятига барҳам бериш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, бунинг учун қишки юмушларни ўз вақтида бажариш муҳимлигини таъкидлаб, йиғилганлар эътиборини суғориш тармоқларини тартибга келтириш, қишлоқ хўжалиги машиналарини мавсумга сифатли тахт этиб қўйиш зарурлигига қаратдилар.

(ЎзА).

## МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

1 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика молия вазири Б. Ҳамидов Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ҳасан Абдулжалил билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, жумладан алоқа тармоқлари, почта, сайёҳлик, молиявий соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

(ЎзА).

## МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

***Наманганда кўчмас мулкни сотиш бўйича навбатдаги кимошди савдоси бўлиб ўтди.***

Савдога тадбиркорлар бажонидил харид қиладиган савдо, хизмат кўрсатиш, уй-жой-коммунал хўжалиги иншоотлари қўйилди. Савдога қўйилган ўнта шундай иншоотдан тўрттаси ер участкаси билан қўшиб сотилди. Юк автомобилларига харидор айниқса кўп бўлди.

Сотишга қўйилган иншоотларнинг дастлабки нархи 230 минг сўм эди, улар деярли 700 минг сўмга сотилди. Кимошди савдоси ташкилотчилари-давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси вилоят бошқармаси ҳамда республика кўчмас мулк биржаси вилоят бўлимининг режасига кўра, навбатдаги савдога умумий овқатланиш ва савдо иншоотларидан ташқари биринчи марта бўш ётган ер участкалари ҳам қўйилади. Мавжуд маълумотларга қараганда, бундай ерларга талаб катта.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 1 февраль куни бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўн учта банки иштирок этди.

Сотув ҳажми 10,92 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 25.00 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 2 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади. *);

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 18,96 |
| 1 Австрия шиллинги | 2,36 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 39,53 |
| 10 Бельгия франки | 7,97 |
| 1 Голландия гульдени | 14,64 |
| 10 Греция драхми | 1,05 |
| 1 Дания кронаси | 4,16 |
| 1 АҚШ доллари | 25,00 |
| 1 Миср фунти | 7,36 |
| 1 Ирландия фунти | 39,08 |
| 1 Исландия кронаси | 0,37 |
| 10 Испания песети | 1,89 |
| 100 Италия лираси | 1,56 |
| 1 Канада доллари | 17,75 |
| 1 Қувайт динори | 83,81 |
| 100 Ливан фунти | 1,52 |
| 1 Германия маркаси | 16,43 |
| 1 Норвегия кронаси | 3,74 |
| 10 Португалия эскудоси | 1,59 |
| 1 Сингапур доллари | 17,21 |
| 1000 Туркия лираси | 0,62 |
| 1 Финляндия маркаси | 5,27 |
| 4 Франция франки | 4,74 |
| 1 Швеция кронаси | 3,34 |
| 1 Швейцария франки | 19,47 |
| 1 ЭКЮ | 30,98 |
| 10 Япония иенаси | 2,52 |
| 1000 Россия рубли | 6,18 |
| 1 Эстония кронаси | 2,07 |
| 1000 Украина карбованеци | 0,21 |
| 1 Латвия лати | 46,04 |
| 1 Литва лити | 6,25 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 0,44 |
| 1 Молдова лейи | 5,74 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,13 |

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Марказий банки 1995 йил 2 февралдан бошлаб Ўзбекистон республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 25,00 сўм.

— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 25,00 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

ЯНГИЛИКЛАР · ФАКТЛАР · ВОҚЕАЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### ЕР ҲАМ СОТИЛДИ

***Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент вилоят бўлими биринчи марта ер майдонлари кимошди савдосини ташкил этди.***

Унда савдога қўйилган умумий бошланғич нархи 111 минг сўм бўлган ўн битта ер майдони сотилди. Савдо тушуми 380 минг сўм бўлди.

Бўлим автомобилларнинг кимошди савдосини ҳам ўтказди. Сотувга қўйилган 19 транспорт воситасининг 13 таси жами 200 минг сўмга сотилди.

### ЁДГОРЛИК ЎРНАТИЛАДИ

***Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Навоий шаҳрида ёдгорлик ўрнатиладиган бўлди.***

Шаҳар саноат қурилиш банкида бу хайрли ишни қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус ҳисоб рақами очилди.

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси 1994 йилги пахта йиғим-теримида ишлаб топган пулини ана шу ҳисобга ўтказди.

### ВЕЛОСИПЕД МУБОРАК!

***Избосканда бензин ва бошқа ёқилғи-мойлаш маҳсулотларининг тақчиллигини назарда тутиб 158 бригада бошлиғига бепул велосипед улашилди.***

Шунингдек, туман аҳолисига хизмат қилаётган фуқаролар йиғини масъул ходимлари, милиция участка нозирлари, тиббиёт ходимлари, почтальонлар ҳам ана шундай имтиёздан баҳраманд бўлди.

### ТАРМОҚЛАР СОНИ ОРТМОҚДА



Бувайда туманида фаолият кўрсатаётган «Наргиз» фирмаси бундан 3 йил аввал ўз фаолиятини қурилиш ишларидан бошлаган эди. Фирма ўтган қисқа вақт ичида ўндан ортиқ тармоқ бўйича иш юритишга эришди. Яқинда фирма Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган кимошди савдосида Янгиқўрғон посёлкасидаги ресторанни 360 минг сўмга сотиб олди. Бугунги кунда бу ерни мижозларнинг дидига мослаштириш мақсадида замонавий жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди.

**Суратда: фирма раҳбари Муҳторжон Норқўзиев.**

### «ШИРИН»НИНГ ТУҲФАСИ

***Зафаробод тумани Собир Раҳимов номидаги ижара ширкатлар бирлашмасида фаолият кўрсатаётган «Ширин» фермер хўжалиги бир неча хайрия тадбирлари ўтказди.***

Бирлашмага қарашли «Наврўз»болалар боғчасида тарбияланаётган жажжи ўғил-қизларга кийим-кечаклар, пойафзаллар, уларнинг меҳрибон тарбиячиларига эса қимматбаҳо совға-саломлар топширилди. Шунингдек, фермер хўжалик томонидан «Бирлик» фуқаролар йиғини ҳудудидаги 24 эҳтиёжманд оилага гўшт ва шакар, қарияларга чопон улашилди.

### ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

***Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак тумани мудофаа ишлари бўлимида фахрийларнинг ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтди.***

У ғалабанинг 50 йиллигига бағишланди. Сўзга чиққан уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар ўша суронли йиллар ҳақида, Қорақалпоғистонликларнинг жанг майдонларидаги жасорати ва мамлакат ичкарисидаги фидокорона меҳнати тўғрисида гапирдилар.

### БЕПУЛ ЭНЕРГИЯ

***Фарғона политехника институтининг назарий механика кафедраси мудири доцент С. Исломов вертикал ўқли шамол двигатели яратди.***

У 200 киловаттгача бўлган электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватига эга. Фермер ва чўпонларга зарур бўлган ушбу мослама қуввати хорижда фойдаланилаётган шамол двигателларникидан 10-15 фоиз ортиқ. Янгиликнинг яна бир хусусияти — унинг шамол йўналишига мосланиб ишлайверишидир. Уни кенг кўламда қўллаш борасидаги ишлар давом этмоқда.

# ҚОРЛАРИ ЗАРГА АЙЛАНГАН ЎША КУН

## Ўзбекистоннинг янги парламентига ўтказилган сайловлар хусусида

***Қиш қишлигини қилмаса, ёз ёзлигини қилмас, дейишади. 1994 йилнинг қиши эса қишлигини қилолмай, анчагача гаранг бўлиб юрди: декабрнинг ўрталаридаям ҳаво баҳорни эслатар, ҳатто айтишларича, Сурхондарёда бодом гуллай бошлаганди. 24-25 декабрь кунлари, ниҳоят бостириб қор ёғди, эртасига эса саҳармардонданоқ қора совуқ тушиб, изғирин турди. Устига устак, йўллар музлаб қолди. Чўл минтақалари-ю, тоғ ёнбағирларидаги қишлоқларда ҳарорат минус йигирма бешга етди.***

Қор ёғди — зар ёғди, деган нақл бор. Лекин иккинчи томондан, қиш — қисилмоқ, деганларидай... Гап шундаки, сайлов худди шу куни ўтиши керак эди. Ва дабдурустдан тушган бундай совуқ сайловчиларнинг (айниқса, қишлоқ жойлардаги) фаоллигини пасайтириб юбориши мумкин эди.

Уларнинг фаоллигига тағин бир «омил» — номзодларга наказ бериш олиб ташлангани ҳам салбий таъсир кўрсатишига ҳеч ким кафолат беролмасди. Шўролар даврида биз депутатлар зиммасига газ, водопровод ўтказиш, йўлу кўприк қуриш, кўчаларни ободонлаштириш кабиларни юклаб келдик. Бир сўз билан айтганда, ноиблик вазифасини хўжалик юмушларига айлантириб қўйгандик. Ва парламент аъзолари сайловдан сайловгача бундай турмуш масалаларини ечиш учун турли-туман вазирлигу идораларга зир югуришарди. Шу кеча-кундузда ўтиш даври туғдираётган муаммоларнинг кўпи ободонлаштириш (айниқса, қишлоқларни)га бевосита тааллуқлидир. Бу эса, истайсизми-йўқми, тағин ўша (ҳозирда тақчил) қувурларга, қурилиш материалларига бориб тақалади.

Аслида ушбу муаммоларни жойлардаги раҳбарлар ечиши керак. Лекин уларнинг ичида лоқайди бор, ношуди бор, манманию тўраси ҳам бор-ки, баъзида олдига ойлаб киролмайсан, кирган тақдирдаям қўйнингни пуч ёнғоққа тўлдириб юборади. Депутатнинг ҳузурига кириш эса осонроқ, ундан талаб қилишгаям ҳақинг бор, чунки овоз бергансан, у ҳам наказингни бажаришга ваъда берган...

Юқорида таъкидлангандай, бу гал наказлар қонунга биноан олиб ташланди. Бунинг моҳияти сайловолди йиғинларию учрашувларида бот-бот изоҳланди: эндиликда депутатлик функцияси жаҳон андозалари талабидан келиб чиқади, яъни парламент профессионал парламентга айлантирилиб, ноиблар фақат ва фақат қабул қилинажак қонунларни ишлаб чиқиш билан шуғулланишади. Ва, табиийки, улар ана шу ҳужжатларда сайловчиларининг таклифу мулоҳазаларини, албатта ҳисобга олишади, уларнинг хоҳиш-иродасини ҳимоя этишади. Ободонлаштириш, яъни маиший масалалар билан эса фақат жойлардаги бошлиқлар шуғулланишади.

Етмиш йил мобайнида наказларга суяниб қолган одамлар ногоҳон ўзларининг ана шу «суянчиқ»дан маҳрум этилишини осонликча ҳазм қила олишадими, йўқми, буни сайлов кўрсатарди...

Чет эллардан паноҳ топган муҳолифатнинг аччиқ-сассиқ «тарғиботию-ташвиқоти» ҳам сайловдаги фаолликка озми-кўпми таъсир ўтказиши мумкин эди. Муҳолифат сайлов эълон қилинганидан бошлаб, то сайлов кунигача (эртаю-кеч) хориж радиостанцияларидан Ўзбекистон халқига мурожаатлар ўқиб турди ва ҳатто «Эрк» билан «Бирлик» сайловда «ёппасига бойкот ўтказиш»га чақирди. Масалан, «Эрк» фаолларидан бири Нормўмин Номоз: «Азиз ватандошлар, 25-декабрда бўладиган сайловларда қатнашиб, овоз берсангиз, ўзингиз ўзингизни инсоний ҳуқуқлардан маҳрум қилган бўласиз. Бу билан мамлакатнинг орқага кетишига, иқтисодий буҳроннинг кучайишига, миллат фидойиларининг қатағон қилинишига (!?) ҳисса қўшган бўласиз...», — дея сайради.

«Бирлик»чи Алибой Йўляхшиев ҳам одамларни худди шунга даъват этиб, пировардида дедики: «Қадрли сайловчилар, мард ва иродали бўлинг, инсоний бурчингизни ҳалол бажаринг!..».

Илгари, тоталитаризм даврида «Озодлик»ка ўхшаган радиостанцияларнинг овозини ўчиришга ҳаракат қилинарди, иложини топиб, эшитганларни эса ҳатто жазогаям тортишарди. Демократик жамият қураётган мустақил Ўзбекистонда бу овозлар асло бўғилаётгани йўқ: истаган одам бемалол тинглайверади — радиоприёмнигинг бўлса, бас. Радиоприёмник бўлса деярли ҳаммада — чўпондаям, пахтакордаям бор. Хориждаги «миллат фидойилари» худди ана шуни ҳисобга олишганди, албатта.

***Лекин, юқоридаги учала «омил» ҳам сайловчиларнинг фаоллигига заррачаям таъсир қилмади. Улар ҳақиқатдан ҳам мардлиги-ю, иродасини намойиш этишиб, ўз инсоний бурчларини бажариш учун 25-декабрнинг аёзли кунида эрта тонгданоқ сайлов участкаларига оқиб кела бошлашди, ҳатто саксону тўқсонни қоралаган чоллару кампирлар ҳам уйларида ўтира олишмади... Сайловчилар рўйхатига киритилган 11 миллион 248 минг 464 нафар кишининг 10 миллион 526 минг 654 нафари ёки сайловчиларнинг 93,6 фоизи овоз беришда қатнашди. Айрим вилоятларда эса бу кўрсаткич ҳатто 97 фоиздан ошиб кетди. Марказий сайлов комиссиясининг ушбу хусусдаги тағин бир таъкиди: «Сайлов ҳамма жойда уюшқоқлик билан, сайлов ҳақидаги Қонун талабларига мувофиқ тарзда, фуқароларнинг юксак фаоллигида ўтди».***

(Ҳа, сайловларимиз чет элларда, жумладан Россия ва Францияда ҳам ўтказилди. Бу ҳақда Ўзбекистоннинг Франциядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Акмал Саидов шундай деди: «Ўзбекистон тарихида Олий Мажлисга сайлов биринчи марта Парижда ҳам бўлди. Унда Францияда яшовчи барча ўзбекистонлик фуқаролар республика Ташқи ишлар вазирлиги жойлашган сайлов округидан номзодлари кўрсатилганлар учун овоз беришди...»).

Бизга нуқул найза санчиш билан овора бўлиб юрган хорижий матбуот воситаларию, радиостанциялари ҳам буни тан олишга мажбур бўлишди. «Маҳаллий вақт билан соат ўн тўртларда республикада етмиш фоиз сайловчи овоз бериб бўлди. Андижон, Наманган, Фарғона, Хоразм вилоятларида бу кўрсаткич саксон фоиздан ошиб кетди» **(«Свобода» радиоси, 25-декабрь).** «Ўзбекистонлик сайловчилар катта фаоллик кўрсатишди. Уларнинг аксарият қисми куннинг биринчи ярмидаёқ овоз бериб бўлди. Сайловда ўн бир миллионга яқин фуқаро иштирок этди» **(Немецкая волна» радиоси, Кельн, 25-декабрь).**

Москва радиоси, «Озодлик», «Би-Би-Си» ва бошқа ахборот воситалари ҳам худди шундай хабарлар тарқатишди.

Даъватлари «натижа» бермаган ватанфурушларимиз эса алам қилганларидан яна заҳар сочиб, сайловчиларнинг ана шу фаоллигидан ҳам нуқсон қидиришга тушишди. Мана масалан, Анвар Усмонов деганнинг тирноғимиз остидан топган кири: «Сайлов куни ҳаво совуб кетди, лекин бу сайловчиларга халақит бермади. Аммо бу ҳол сайловчиларнинг фаоллиги ошганидан далолат бермайди. Бунинг сабаби бошқа нарсада. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, сайлов участкаларида савдо-сотиқ уюштирилгани, арзонлаштирилган ноёб молларнинг хилма-хиллиги, қозон-қозон пиширилган хушбўй паловнинг ҳиди одамларни ўзига оҳангрaбодай тортиб олаверган...».

Энди сўзни кузатувчиларнинг ўзидан эшитсак. **Ҳасан Абдужалил,** Индонезиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

— Мен Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 8-Тракторсозлар округига қарашли 8-ва 108-сайлов участкаларида кузатувчи сифатида қатнашдим. Аввало, сайлов комиссияларининг жуда катта масъулият ва уюшқоқлик билан ишлагани эътиборимни тортди. Жойларда овоз берувчи фуқаролар учун савдо расталари ташкил этилгани эса биз учун ноёб янгиликдир. Сайловга келган одамлар бозор-ўчар қилиш, бир-бирлари билан суҳбатлашиш имконига эга бўлдилар...

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳар бир сайлов ўзига хос умумхалқ байрами ҳисобланади. Айтинг-чи, Ўзбекистонда қайси байрамда ош дамланмайди, савдо расталари ташкил этилмайди? Буни индонезияликлар, мана энди, билишди ва сўзларини ўқидиларинг — ижобий баҳолашди. Аммо буни ҳар бир ўзбек билади-ку, лекин била туриб, жаноб Усмоновга ўхшаб... Ё эсидан чиққандир, чунки манқуртнинг, аввало, хотираси йўқолади-да.

Хўш, сайловчилар фаоллигининг сабаби нимада? Индонезиялик элчи таъкидлаганидек, сайлов комиссияларининг жуда катта масъулият ва уюшқоқлик билан ишлагани ҳам, албатта, бунда катта аҳамият касб этди. Аммо бунинг бошқа сабаблари ҳам талайгина. Шулардан энг характерлиси сайлов юртимизда демократия, кўппартиявийлик сари ташланган яна бир дадил қадам эканлигида. Хабарингиз бор, унда уч сиёсий-ижтимоий куч — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идоралари иштирок этишди.

Учинчи сабаб: сайловолди кураши. У кескин, қизиқарли, аммо ҳаққоний ўтди. Лекин пайтавасига қурт тушган муҳолифат шуни ҳам бузиб кўрсатишга уялмади. Эмишки, «Бирлик» халқ ҳаракати матбуот вакилларидан бўлмиш бир аёл дебдики («Озодлик» радиостанциясининг 24 декабрда берилган хабарида айтилишича), «Якшанба кунги сайловнинг якунлари аллақачон Президентнинг столида турган экан». Ўзбекистон Республикаси Президенти столидаги ҳужжатларни ўқиб туриш имтиёзига эга бўлган бу «бирлик»чи ким экан-а?.. Ёлғон ҳам шунчалик бўладими?!

Йўқ, сайловнинг якунини олдиндан башорат қилиш ҳам, ёки у ё бу номзодни бировнинг хоҳиш иродасига биноан депутат этиб «тайинлаш» ҳам мумкин эмасди. Буни сайловолди жараёнини бошимдан кечирган одам сифатида айтаяпман. Номзодим Самарқанд вилоят Кенгашидан кўрсатилди. Ўзим туғилиб ўсган Булунғур туманидан Олий Мажлисга мандат олиш учун уч киши то «охиригача» курашдик. Агар деярли бир ой давомида ҳар куни эрта тонгдан то шомгача қишлоқма-қишлоқ, мактабу (қарийб 40 та мактабга бордим) маҳаллаларни кезиб, 62 та учрашув ўтказмаганимда, минглаб одамлар билан юзма-юз гаплашмаганимда, ғалабани қўлга киритолмаслигим аниқ эди.

Ҳа, сайловолди курашлари «қаттиқ» ўтди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, чунки Олий Мажлисга талаб этиладиган 250 та жойга 634 нафар номзод кўрсатилганди (шундан130 та округда 1 та жойга 3 нафардан, 106 та сайлов округида эса 2 нафардан). Яна қандай номзодлар денг!

«Олдинлари бизга шундай «шакллар» берилардики, уларда номзоднинг ёши, жинси, партиявийлиги, касби, миллати... қандай бўлиши кераклиги хусусида аниқ кўрсатмалар бўларди. Биз эса ана шу «шакллар»га мос келадиган одамни топишга жудаям қийналардик. Ва шу боис кўпинча ўзимиз кўрмаган, яхши билмаган одамларни номзод қилиб кўрсатаверардик»,-деганди Тошкент вилоятининг 115-Пскент сайлов округи комиссияси раиси А. Ҳамидов.



*1994 йилнинг 25 декабрида эрта тонгданоқ минглаб одамлар сайлов участкаларига оқиб кела бошлашди. Кўппартиявийлик, демократия қонун-қоидалари асосида ўтган ушбу сайлов Ўзбекистон халқлари бирлиги ва жипслигининг ёрқин тимсоли бўлди. Аммо бу тадбирга рахна солишга интилганлар ҳам топилди. Лекин... улар ўз «щирин» ниятлари амалга ошмаганидан доғда қолишди...*

Шунинг учун ҳам олдинги парламентларимиздан алифни калтак дея олмайдиганлар ҳам катта жой олишарди, яъни бу парламентлар профессионализмдан жуда узоқда эди. Бу гал эса, юқорида таъкидланганидек, ҳақиқий профессионал парламент яратишга бел боғланди. Ва шу сабабли номзодларга бўлган талаб кескин ўзгарди. Аввало, уларни қонунга биноан сиёсий партиялар ўз қурултойларида, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашлари ўз сессияларида кўрсатишди. Ва бунда демократик, эркин йўл тутилди. Шунингдек, номзодлар хусусида шаҳар, туман, қишлоқлар худудидаги жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, оқсоқоллар билан маслаҳатлашилди ҳам. Хуллас, одамлар яхши танийдиган, умид ва ишонч билдирганлар номзодликка тавсия этилди. Бунда бўлажак ноибларнинг парламентда халқ номидан иш кўра билиш қобилияти, ислоҳотларни қай даражада англаб етганлиги ҳамда ташаббускорлиги, изланиши, иймон-эътиқоди, ақл-фаросати, хулқу атвори, ватанга садоқати каби фазилатлари ҳам, албатта, ҳисобга олинди.

Ҳа, Анвар Усмонов деганнинг акаси бўлмиш Лерман Усмонов шу жараёнга ҳам тош отди. У 14-январь куни «Свобода» радиоси орқали оғиз кўпиртириб дедики: «Самарқанд вилоятида яшовчи тожиклар ҳам ўз номзодларини кўрсатишга уринишди. Аммо ҳокимликнинг сергак раҳбарларию маъмурий орган вакиллари бу ҳаракатта зарба беришди...».

Туҳмат ҳам эви билан-да! Номзодларни-ку қўйиб туринг, Олий Мажлисга сайланган депутатлар ичида нафақат тожиклар (жумладан, самарқандлик тожиклар), балки бошқа қатор миллат, масалан, қорақалпоқ, рус, корейс, арман, яҳудий, қирғиз, туркман ва ҳатто осетину гагауз миллатларининг вакиллари бор (жами 15 миллат!).

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, янги Конституция лойиҳасининг муҳокамаси пайтида олинган юзлаб хатларда камида 40-50 ёшга тўлганлар Олий Мажлисга сайланса, айни муддао бўларди, деган таклифлар ўртага ташланувди. Аммо шу нарса қувончлики, Конституцион комиссия ва Олий Кенгаш бу таклифларни рад этди ва ушбу кўрсаткични йигирма беш ёш, деб белгилади. Натижада парламентимиз анчага ёшарди.

Хуллас, депутатликка номзодларга қўйилган талабларни белгилайдиган нормалар сайловга доир қонун ҳужжатларига оид принципиал янгиликдир.

Сайлов тизими ҳақида гап кетганда шуниям таъкидлаш лозимки, номзодларга қатор кафолатлар, имтиёзлар берилди. Масалан, улар сайловолди тадбирларини ўтказиш даврида ишлаб чиқаришдаги вазифаларидан озод этилди ва шу билан бирга уларга сайловни ўтказишга ажратилган маблағ ҳисобидан ўртача иш ҳақи тўланди. Лекин қонунда ҳар бир номзоднинг уни кўрсатган сиёсий партия ёки вакиллик органи олдидаги масъулияти ҳам белгиланди. Борди-ю, у ғайриқонуний ҳаракат қилса, ёки номзод этиб кўрсатган органнинг обрўйига путур етказадиган ҳатти-ҳаракатлар содир этса, сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи уни номзод қилиб кўрсатгани ҳақидаги қарорини бекор қилади ва ўз қарорини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади.

Энди яна сайловолди курашига қайтсак. Олдинги шундай жараён хусусида Қонунларда конкрет бир қатъийлик йўқ эди ва шу сабаб номзодлар мандат олиш учун ҳамма ишларни қилишарди. Дейлик, пул улашарди, ноёб маҳсулотлар, қурилиш материаллари тарқатишарди. Янги Қонун бундай услубларга чек қўйди. Сайловдан олдин жиддий айтилдики, ким ушбу тадбир учун маблағ ажратишни истаса, марҳамат, Марказий сайлов комиссияси ҳисобига қонуний равишда ўтказсин. Комиссия кўриб чиқиб, уни қаерга ишлатиш масаласини ҳал этади.

Марказий сайлов комиссиясининг махсус қарорига биноан округ сайлов комиссиялари барча номзодлар учун уларнинг сайловолди фаолиятида тенг шароит яратиб берди.

Оммавий ахборот воситалари барча номзодларга, уларнинг дастурларига тенг қаради. Бунда ҳеч кимга ҳеч қандай имтиёз берилмади. Газеталар, телевидение ва радионинг бу борадаги фаолиятини эса сайлов комиссиялари ўз назоратига олди.

Натижада сайловолди ташвиқот ишлари конституциявий принциплар бўйича сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилди.

Сайловолди кураши қонунлар асосида, шарқона аҳлоқ-одоб доирасида олиб борилди. Ҳеч бир номзод рақибининг обрўйига путур етказувчи бирон бир гап-сўз қилмади. Аксарият номзодлар сайловчилар билан учрашувларда «Мен учун овоз беринг. Сайлансам, ундай қиламан, бундай қиламан!...», деб ваъда беришмади, асосан айтишдики: «Сайловда ким учун овоз беришингиз ўз виждонингизга ҳавола».

Очиғи, баъзи ғанимларимиз ана шу муқобиллик одамлар ўртасида низо туғдиради, уларни бўлиб юборади, дея «ширин» умидлар ҳам қилишди. Лекин уларнинг бу ниятлариям амалга ошмади. Қайтанга, бу кураш жамиятни бирлаштиришга, осойишталикни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшди. У халқимизнинг жипслигини, эркпарварлигини, ҳалолпоклигини, иродаси нақадар мустаҳкамлигини, ор-номусли эканлигини яна бир карра намойиш этди.

25 декабрь куни 205 номзод Олий Мажлисга депутат этиб сайланди. Учтадан номзоднинг бирор нафари сайланмаган 38 та сайлов округида сайлов ҳақидаги Қонуннинг 43-моддасига биноан қайтадан овоз берилди (1995 йилнинг 8-январида), икки нафардан номзод қатнашиб, бирор нафариям сайловчиларнинг овозини ололмаган 7 та сайлов округида эса 22-январь куни қайта сайлов ўтказилди.

Муҳолифат вакиллари эса... буни «сайловлар бузилди, ҳеч қандай демократия бўлмади», деб жар солишди. Аксинча, бу ҳол курашнинг нақадар кескин ва демократик тарзда борганидан далолат бермайдими?

Яхшиси, бу хусусда кузатувчиларнинг фикрига қулоқ тутайлик:

**Л. КЛАРК**, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси. (У Тошкентдаги 29-Бошлиқ сайлов округининг 64-сайлов участкасида кузатувчи сифатида иштирок этди):

— Мен бу ерга анча барвақт келдим. Бугунги сайлов мамлакатингизда янги Конституцияга мувофиқ, демократик асосда ўтказилаяпти. Бу — жуда муҳим...

**Седат АКАЙ,** (халқаро Аденауэр фонди вакилли):

— Ўзбекистон раҳбари йўлбошчилигида мамлакатингизда демократия ривожланяпти ва олдга силжияпти. Қисқа давр ичида республикангиз демократик йўлга тушди ва бу бизни ниҳоятда хушнуд этяпти.

**Ҳасан АБДУЖАЛИЛ**, Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчиси:

— Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилган ушбу парламент сайлови демократик жамият қуриш борасида ташланган муҳим одим бўлди ва у мамлакатингиз ижтимоий ҳаётида катта аҳамиятта эгадир...

Ва буни ҳатто «Озодлик» радиоси ҳам тан олмай иложи қолмади. 25 декабрь куни унинг эшиттиришларидан бирида жумладан шундай дейилди:

— Чет эл дипломатларининг айтишича, Ўзбекистон аҳолисининг сиёсий онги кун сайин ўсяпти... Сайловлар Ўзбекистон тарихида йирик бурилиш бўлди...

Яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, республикамизда сайловларни демократик тарзда ўтказиш бўйича маълум тажриба ҳам бор эди. Ўзбекистон собиқ СССР давлатлари орасида биринчи бўлиб кўппартиявийлик асосидаги сайлов тизимига ўтганди: 1991 йилнинг ноябрида Олий Кенгашда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» қабул қилинган Қонун бунга яққол гувоҳ бўлади. Унинг 24-моддасида белгиланган тартибда рўйхатга олинган сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи берилиши қайд этилган. Ушбу ҳужжат билан бир қаторда Олий Кенгаш худди ўша йили «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги Қонунни ҳам қабул қилганди. Ва 1991 йилнинг декабрида мамлакатимиз тарихида илк маротаба (Марказий Осиёда биринчи бўлиб) республика Президенти сайлови муқобиллик асосида ўтказилди.

1994 йилги сайловгача бўлган давр мобайнида эса жамиятни демократлаштириш, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлини янада кенгайтирадиган қатор Қонунлар ишлаб чиқилди. Олий Кенгаш 1993 йилнинг декабрида қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунлар шулар жумласидандир. Уларнинг лойиҳалари газеталарда чоп этилиб, кенг ва атрофлича муҳокамага қўйилди. Шунингдек, ушбу ҳужжатлар хорижий мутахассислар ҳамда сайлов ҳуқуқлари соҳасидаги таниқли олимлар томонидан ўрганилди ва юқори баҳоланди. Бу хусусда АҚШнинг мамлакатимиздаги элчиси жаноб Кларк шундай деганди: «Америкалик ҳуқуқшунослар Уюшмаси ҳам Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги Қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Биз, айниқса, унинг охирги бандларига оид таклифларидан мамнун бўлдик...».

1994 йили амалиётда илк бор қўлланилган янги сайлов тизими эскиларидан жуда кўп жиҳатлари билан фарқ қилади-ки, қуйида уларнинг айримлари ҳақида сўз юритилади:

Биринчидан, сайлов комиссияларини тузишга бўлган муносабат мутлақо ўзгарган, уларнинг вазифалари кўлами аниқ белгиланган. Аввалги сайловларда сайлов комиссияларининг таркибига номзодлар меҳнат жамоалари, турар жойлар, ҳарбий қисмларда кўрсатиларди. Ва шу боис ушбу комиссиялар ана шу жамоалар, турар жойлар, шунингдек, комиссия таркибини тасдиқлаган Кенгашга, уни қўллаб-қувватловчи партияга, юқори сайлов комиссиясига ҳисоб беришга мажбур эди.

Янги Қонун эса комиссияларни бундай мутеликдан халос қилди. Унга биноан округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси, участка сайлов комиссияси эса округ сайлов комиссияси томонидан ташкил этиладиган бўлди. Бу ўз навбатида барча поғоналардаги сайлов комиссияларининг якдиллик билан ишлашини таъминлади. Сайлов комиссиялари аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлишлари мумкин эмаслиги ҳам мутлақо янги талабдир.

1994 йилнинг 5 майида Олий Кенгаш «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» Қонун қабул қилди (Дунёда ҳеч қайси мамлакатда шунга ўхшаш бирортаям Қонун мавжуд эмас). Унда сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари ҳақидаги ғоялар умумлаштирилган ва мустаҳкамланган. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқига уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, шахси, ижтимоий келиб чиқиши мутлақо таъсир қилмаслиги, яъни уларнинг Қонун олдида тенглиги алоҳида таъкидланган. Ушбу қоида олий даражадаги демократик ғояларга асосланганидан дарак беради. Гап шундаки, айрим давлатлар, жумладан Болтиқбўйидаги баъзи республикаларда сайловчиларни табақаларга бўлиш ҳоллари мавжуд. Шу боис ҳам у ерларда аҳолининг бир қисми овоз бериш ҳуқуқидан маҳрумдир.

Демак, сайловларнинг демократик тарзда ўтиши учун бизда нафақат ҳуқуқий негиз, балки маълум тажриба ҳам бор эди.

Сайловнинг муваффақиятли якунланишида сайловолди тайёргарлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Ўзбекистонда бу тадбирга қизғин ҳозирлик кўрилди. Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари, жойлардаги сайлов участкалари бу тадбирнинг Конституция, Қонунлар асосида ўтказилишини таъминлаш учун қўлидан келган юмушларни бажарди. Шунингдек, сайловчилар ўртасида ҳам катта тушунтириш ишлари олиб борилди.

1994 йил 14-16 ноябрда Тошкентда округ сайлов комиссиялари раисларининг уч кунлик семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Республика Конституциявий Суди раиси вазифасини бажарувчи Ш. Ўразаев, адлия вазири А. Мардиев, Марказий сайлов комиссияси раиси Қ. Аҳмедов ва бошқалар ўз маърузаларида 25-декабрдаги сайловларнинг хусусиятларини тўла-тўкис очишга ҳаракат қилишди.

Анжуманда айрим округ комиссияларидаги иш тажрибалари борасида ҳам ўзаро фикр алмашилди. Семинар-кенгаш қатнашчиларининг таклифларига биноан «Ўзбекистон» нашриётида (жудаям қисқа муддат давомида) ана шу анжумандаги маърузаю нутқлар ўзбек, рус, инглиз тилларида китобча ҳолида нашр этилиб, барча сайлов комиссияларига юборилди.

Семинар-кенгашда БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Холид Малик, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Генри Л. Кларк, Россия элчиси Филлип Сидорский, Туркия элчиси Эрдуган Айтун, Германия элчиси Карл Хайнц Куна, Япония элчиси Укеро Могасаки, Франция элчиси Жан Поль Везиан, Буюк Британия элчиси Пол Бёрн, Аденауэр халқаро фондининг кузатувчиси Седат Акай, Украина элчиси В. Сметанин ва бошқа хорижий мамлакатларнинг дипломатлари сўзга чиқишиб, ўз мамлакатларининг сайлов тизими ҳақида гапиришди, республикамиздаги сайловолди ишларига катта баҳо беришди.

Умуман, хорижликлар Ўзбекистондаги ушбу сайловга жуда-жуда қизиқишди. Сайлов куни сайлов участкаларида овоз бериш ва овозларни ҳисоблаш пайтида қарийб ўттизта мамлакат, халқаро ташкилот ва ҳаракатлардан етмиш нафарга яқин кузатувчи, шунингдек «Рейтер», «Интерфакс» агентликлари, «Би-Би-Си» радиокорпорацияси, «Останкино» телекомпанияси, «Либерасъон» ва «Нойес цюрхер цайтунг» газеталари сингари чет эл оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари иштирок этишди.

«Сизнинг сайловингиз, — деди АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Генри Л. Кларк, — Америка Қўшма Штатлари учун нега муҳимдир? АҚШ ҳукуматининг фикрича, Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорлик Ўрта Осиёдаги тинчлик ва барқарорлик учун керак. Борди-ю, Ўзбекистонга можаро ўтса, дунёнинг бундан ҳам каттароқ майдонида ҳавфли ривожланишларга олиб келиши мумкин...».

Жаноб Кларкнинг ушбу жумлаларини ўқиб, Йўляхшиевнинг «Озодлик»дан туриб 1994 йил 18-декабрь куни айтган қуйидаги разил сўзлари яна ёдимга тушади:

— Сайловга қатнашманг. Мабодо сайлов участкасига боришга тўғри келса, номзодларга қарши овоз беринг, чунки у номзодлар ҳозиргача ҳам халқнинг анчагина мулкини талади. Бундан, кейин ҳам талашни давом эттиради...

АҚШ каби буюк мамлакат Ўзбекистондаги тинчлигу осойишталикни янада мустаҳкамлаш ҳақида куйиб-пишсаю, Йўляхшиев сингари «Бирлик»чилар, Н. Нормўмин каби «Эрк»чилар, уларнинг ҳомийлари ҳасад ёғида қоврилиб, ўз миллатдошларини сайлов — ушбу улкан сиёсий тадбирни бузишга даъват этиб, ўз юртларидаги осойишталигу тинчликка раҳна солишса... Бу она юртга шаккоклик, қолаверса, жиноят эмасми?!

А. Йўляхшиев: «номзодлар ҳозиргача ҳам халқнинг анчагина мулкини талади, бундан кейин ҳам талашни давом эттиради...», дея туҳмат гаплар тарқатгани учун ҳам жавоб бериши лозим. Мен Олий Мажлисга кўрсатилган номзодлар ва депутат бўлиб сайланганларнинг ҳаммасига таъриф бериб ўтирмайман (ҳар бир округдан бир нафардан депутат сайланди, яъни ҳар бир ноиб учун камида 40—45 минг одам овоз берди. Наҳотки, шунча киши ўзини талаганларга овоз берса?!). Уларнинг баъзиларини айтай: ёзувчи ва шоирлар Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, жаҳон таниган олимлар Шавкат Ўразаев, Асқар Холмуродов, Тўхтамурод Жўраев, Неъмат Иброҳимов, республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Шукур Темуров, дунёга машҳур санъаткор Фаррух Зокиров, ўз туманини юз фоиз газлаштирган, бутун қишлоқларини яхлит бир қурилиш майдонига айлантирган, Самарқанд тумани ҳокими Раҳима Ҳакимова... Булар ва парламентга сайланишган қолган депутатлар ҳам халқимизга фақат ва фақат эзгулик ато этиш учун жонларини жабборга бераётган инсонлардир.

Мақолани юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари билан якунлашни истардим:

«Республика Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловнинг Ўзбекистон ҳаётидаги ўрни, унинг одамлар онгига таъсири катта бўлди. Зеро, унинг демократик руҳда, муқобиллик асосида ўтгани халқаро миқёсда ҳам юртимиз обрўсига обрў қўшди. Ўтказилган сайловнинг энг катта сиёсий аҳамияти — давлат бошқарув тизимини шакллантириб олганимизда. Энди асосий иш шу тизимни жонлантириш, уни улуғвор вазифаларни бажара оладиган ҳолга келтиришдан иборат.

Сайловда учта сиёсий-ижтимоий куч — Халқ демократик партияси, маҳаллий ҳокимлик вакиллари ҳамда «Ватан тараққиёти» партиясидан кўрсатилган номзодлар депутатлик мандати учун курашишди ва энг муносиблар бундай юксак ишончга сазовор бўлишди. Энди ҳар бир депутат уни қайси сиёсий куч тавсия этган бўлса, ўз амалий фаолиятида ана шу партия ёки ҳокимлик органининг дастурига амал қилиши, унинг ғояларини олға суриши даркор».

**Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

